

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019. Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ ЖЎРАБОЙ РАҲМОНБЕРДИЕВИЧ

**АХБОРОТЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА БЎЛАЖАК КАСБ
ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(ихтисослик фанларини ўқитиш мисолида)**

13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical
sciences**

Ахмедов Жўрабой Раҳмонбердиевич

Ахборотлаштирилган таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини
инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш.....3

Ахмедов Журабой Рахмонбердиевич

Совершенствование подготовки будущих педагогов профессионального
образования к инновационной деятельности в информационной
образовательной среде25

Axmedov Juraboy Rahmonberdievich

Improvement of preparation of future teachers of vocational education for innovative
activity in the information educational environment.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
DSc. 03/30.12.2019. Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ ЖЎРАБОЙ РАҲМОНБЕРДИЕВИЧ

**АХБОРОТЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА БЎЛАЖАК КАСБ
ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**
(ихтисослик фанларини ўқитиш мисолида)

13.00.05 – Касб-хунари таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Ped683 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ipitvet.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Туракулов Олим Холбутаевич
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Шодиев Ризамат Давронович
педагогика фанлари доктори, профессор

Таджиева Мухаббат Хайдаралиевна
педагогика фанлари номзоди.


Етакчи ташкилот:

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 03/30.12.2019.Ped 48.01 Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (71) 246-92-17, факс: (71) 246-90-37, E-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz).

Диссертация билан Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: 246-92-17; факс: 246-97-37).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).


Ш.Э.Қурбонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор
С.Ю.Ашурова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., профессор
Қ.Т.Олимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида тараққиётнинг ҳозирги даражаси жамиятни интеллектуаллаштириш билан характерланмоқда ва улар асосида тараққиёт динамикасининг бардавомлиги таъминланмоқда. Хусусан, Massive Open Online Courses (MOOC), Khan Academy, Courser каби очик электрон таълим тизимлари ҳам ижодий фаолликка йўналтиришга мустаҳкам дидактик асос бўла олади. Шу сабабли ҳам инновацион ёндашувлар замонавий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда. Маълумки, бундай ҳаракатлантирувчи кучларни тўлиқ ишга тушириш, улардан амалиётда кенг фойдаланиш эса мукамал таълим тизими ва унинг ҳаётийлиги асосида амалга оширилади.

Жаҳон миқёсида ахборотлаштирилган таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги глобаллашув даври талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мавжуд таълим тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Бунда таълим сифати ва самарадорлигини оширишда самарали педагогик ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, таълим мазмунини интеллектуаллаштириш асосида ўқитишни инновациялаштириш-га алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, замонавий мутахассислар тайёрлаш учун таълимни оптималлаштириш шакллари ва уларнинг методик таъминот бўйича инновацион метод ва технологиялар яратилмоқда. Шунинг билан барга жамият тараққиётининг динамик равишда юксалиб боришини эътиборга олган ҳолда бўлажак мутахассисларни интеллектуаллаштирилган касбий фаолиятга тайёрлаш зарурати ҳам кун тартибига қўйилмоқда.

Республикамизда бўлажак мутахассисларни бундай касбий фаолиятга тайёрлаш эса ахборотлаштирилган таълим муҳити негизида муваффақиятли амалга оширилади ва бу орқали бўлажак мутахассисларни инновацион фаолиятга тайёрлаш муаммосининг ҳам оптимал ечими топилади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да “Бўлажак мутахассисларни инновациялаштирилган касбий фаолиятга тайёрлаш йўналишида ахборотлаштирилган таълим муҳитида янада такомиллаштиришга эришиш” ва “Инновацион ривожланган бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг илмий методик асосларини ва уларга мос ахборотлаштирилган таълим муҳитини яратиш лозимлиги”¹ устувор вазифалари белгиланган. Ахборотлаштирилган таълим муҳити негизида бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашга бўлган бундай инновацион ёндашув бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини ошириш ва унга мос илмий-методик таъминотни яратишга имкон бериш билан ҳам диссертация

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. 6–сон.

мавзусининг долзарблигини ва мазкур тадқиқотнинг ижтимоий жиҳатдан зарурлигини ҳам белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5-июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3775-сонли қарори, 2017 йил 14 мартдаги “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2829-сонли қарори ва 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5099-сонли Фармони ва мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишнинг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда ахборотлаштирилган таълим муҳитида бўлажак мутахассисларни интеллектуаллаштирилган фаолиятга тайёрлаш муаммоси, хусусан, уларни инновацион фаолиятга тайёрлаш, таълим олувчиларнинг шахс сифатида инновацион ривожланишга етказиш негизида касбга йўналтиришнинг умумий масалалари Р.Ҳ.Жўраев, М.Арипов, М.М.Камилов, Т.Ф.Бекмуротов, Т.Ф.Жўраев, У.Ш.Бегимкулов, У.И.Иноятлов, А.Р.Ҳоджабоев, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, А.А.Абдуқодиров, Х.Ф.Рашидов, Н.И.Тайлоқов, С.Турғунов, Х.А.Тўрақулов, О.Х.Тўрақулов, Ж.А.Ҳамидов, Ш.С.Шодиев, О.Ж.Бобомуродов, А.Х.Нишонов, Р.Ҳ.Ҳамдамов ва бошқаларнинг ишларида қаралган.

МДХ мамлакатларида таълим беришнинг ахборотлаштирилган таълим муҳитини шакллантиришга оид қимматли ишланмалар А.Г.Абрасимов, А.Н.Михайлов, Н.А.Алексеев, А.Ф.Верлан, И.П.Карпова, С.В.Чирков, О.Н.Зайцев, А.Н.Иванченко, Е.В.Бандаревская, Л.А.Вагрощенко, А.Т.Гейн, Т.Г.Везиров, Б.С.Гершунский, С.Г.Григорьев, В.В.Давидов ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Хорижий олимлар томонидан таълим мазмунини интеллектуаллаштириш ва улар асосида мутахассисларни тайёрлаш муаммолари бўйича Mishel Henderson, Geoss, Romeo, Sanjay, Mishra, Ramesh C, M.Burns, Tomas Muras, F.Raymond, Tay Vaughan ва бошқалар илмий изланишлар олиб борган.

Юқорида қайд этилган тадқиқотлар ахборотлаштирилган таълим муҳитини ва унинг илмий-методик таъминотини яратиш борасида фундаментал асос бўла олади ва улар бўлажак мутахассисларни замонавий тараққиётнинг талаб ҳамда эҳтиёжлари асосида касбий фаолиятга тайёрлашга ҳам интеллектуаллаштирилган кўмак вазифасини бажаради. Аммо юқорида қайд этилган манбаларда айнан бўлажак касб таълими ўқитувчиларини ахборотлаштирилган таълим муҳитида инновацион фаолиятга тайёрлаш муаммоси ва уларга мос илмий-методик таъминотларни яратиш масалалари алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Булар эса ахборотлаштирилган таълим муҳитида бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш муаммосини ечиш ҳозирда нихоятда зарурлигини таъкидлайди ва бу орқали ушбу йўналишдаги тадқиқот ишларида ахборотлаштирилган таълим муҳити негизида бўлажак касб таълим ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқиш талабларини кўяди. Бундай талаб ахборотлаштирилган таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш технологияларини такомиллаштиришнинг методологик асосларини тадқиқ этиш зарурлигини тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган таълим муасасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқоти Жиззах политехника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 02В. “Техника йўналиши таълим олувчилари учун замонавий компьютар дастурлари ва педагогик ўқитиш усулларини такомиллаштириш” (2016-2018 йй.) иши, Жиззах политехника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-049 рақамли “Талабаларда ассертив ҳулқни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари” (2017-2019 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ахборотлаштирилган таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифилари:

тадқиқот мавзусига оид илмий манбаларни таҳлил қилиш натижасида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда ахборотлаштирилган таълим муҳити ўрни ҳамда ундан амалиётда фойдаланишнинг ташкилий-тузилмавий моделини ишлаб чиқиш асосида таълим самарадорлигини ошириш йўллари илмий методик жиҳатдан асослаш;

ахборотлаштирилган таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш учун ишлаб чиқилган “Интерфаол мулоқотлар майдони” номли технологиясини амалиётга жорий этиш методикасини ишлаб чиқиш;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш технологиясини такомиллаштиришга йўналтирилган интерфаол ўқув мажмуа ва ундан амалиётда фойдаланишга оид эргономик тизим ишлаб чиқиш;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг инновацион фаолиятга тайёргарлигини баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш ва улар асосида таклиф этилаётган ўқув жараёни самарадорлигини аниқлашни амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти. Ахборотлаштирилган таълим муҳотида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини ихтисослик фанларини ўқитиш негизида инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёни.

Тадқиқот предмети. Ахборотлаштирилган таълим муҳотида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг илмий-методик таъминотини такомиллаштиришнинг мизмуни, шакли, методлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид педагогик ва психологик манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш; ахборот технологиялари ва дастурий-методик мажмуа яратиш; ахборот технологиялари негизида таълим жараёнини ташкил этиш сифатини баҳолашнинг аналитик методлари соҳасидаги илмий адабиётларни, касб таълими бўйича ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш; ахборотлаштирилган таълим муҳотидан бўлажак мутахассисларни тайёрлашда фойдаланиш методикасини яратиш усули; умумлаштириш; таққослаш; педагогик кузатув, анкета сўрови, педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш ва умумлаштириш; тест; ахборотлаштирилган таълим муҳитининг дастурий-дидактик воситаларини ишлаб чиқиш ва тажрибавий текшириш; натижаларни математик-статистик методлар ёрдамида таҳлил қилиш ва улар асосида натижаларни геометрик кўринишда ифодалаш методларидан фойдаланилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда ахборотлаштирилган таълим муҳитининг ўрни ва ундан амалиётда фойдаланишнинг “Йўл харитаси” ҳамда ташкилий-тузилмавий модели ишлаб чиқилиб, унинг асосида таълим самарадорлигини ошириш йўллари илмий жиҳатдан асосланган;

ахборотлаштирилган таълим муҳотида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашга оид ишлаб чиқилган “Интерфаол мулоқотлар майдони” технологияси ва уни амалиётга жорий этиш босқичлари асосида инновацион методика ишлаб чиқилган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш технологиясини такомиллаштиришга йўналтирилган интерфаол ўқув мажмуалари ва улардан амалиётда фойдаланиш учун эргономик тизим ишлаб чиқилган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг инновацион фаолиятга тайёргарлигини аниқлаш бўйича баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган ва улар асосида таклиф этилаётган ўқув жараёнининг самарадорлигини аниқлаш мониторингини амалга ошириш илмий-амалий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қўйидагилардан иборат:

ахборотлаштирилган таълим муҳотида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш бўйича илмий-методик таъминотнинг педагогик асослари ишлаб чиқилган;

ахборотлаштирилган таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг дидактик (интеллектуаллаштирилган таълим мазмуни, маълумотлар базаси, билимлар банки, электрон ўқув ресурслари, алоқа каналлари, дастурий-ўқув бўйича ахборотли ва техникавий таъминот) имкониятлари аниқланган ва амалиётга жорий этишнинг такомиллаштирилган интерфаол технологиялари, амда эрганомик тизим ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижалари асосида “Педагогик технология ва педагогик маҳорат” фани электрон ўқув қўлланма дастури, “Ахборотлаштирилган таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш методикаси” махсус курси бўйича, “Эксперт тизимлари” фани бўйича электрон ўқув қўлланма дастурлари ва “Ахборотлаштирилган таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш” номли монография яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Хорижий ҳамда ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар, халқаро ва республика миқёсидаги илмий конференция материаллари, илмий-методик таклифларнинг амалиётда тадбиқ этилгани; қаралаётган муаммо ва унга мос илмий-методик таъминотга, тадқиқот мақсади, концепцияси, объекти, предмети ҳамда педагогиканинг умуммиллий тадқиқотларига доир методлар ва дастурий-дидактик ҳамда ўқув дастурий таъминотларнинг мақсадга мувофиқ қилиб танланганлиги; тажриба-синов ишларига жалб қилинган респодентлар сонининг талаб даражасида эканлиги; тадқиқот натижалари математик статистика методларини самарали қўллашга имкон берувчи “Microsoft Excell”, “SPSS 13”, “Statistika 6.0” дастурлари воситасида қайта ишланганлиги; тўпланган материалларнинг диссертация мазмунини ёритишга имкон берадиган ҳажмда эканлиги; тадқиқот ишида илгари сурилган назарий ғояларнинг амалий фаолият натижалари моҳияти ифодалашга хизмат қилиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ахборотлаштирилган таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг методологик асосларининг янада такомиллаштирилганлиги, инновацион фаолиятининг ташкилий-тузилмавий тизимини шакллантириш ва ривожлантириш тамойиллари (очиқлик мулоқотлилиқ, интегративлик, мослашув-чанлик ва шу кабилар) асосланганлиги, ахборотлаштирилган таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчилари инновацион фаолиятга тайёрлаш технологиялари такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти ахборотлаштирилган таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш бўйича интеграцияланган таълим мазмунини шакллантиришнинг илмий-методик таъминоти яратилганлиги, ахборотлаштирилган таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда ихтисослик фанларини ўқитиш методикаси ишлаб чиқилганлиги, ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланган ҳолда бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш технологиялари

такомиллаштирилганлиги, бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёргарлигини аниқлаш тизими ҳамда улар натижаларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Ахборотлаштирилган таълим муҳиtida бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг илмий-методик таъминотини такомиллаштириш бўйича қуйидаги илмий-амалий натижалар жорий қилинди.

Ахборотлаштирилган таълим муҳиtida бўлажак касб таълимини ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг дидактик (интеллектуаллаштирилган таълим мазмуни, маълумотлар базаси, билимлар банки, электрон ўқув ресурслари, алоқа каналлари, дастурий-ахборотли ва техникавий таъминот) имкониятлари аниқланган ва амалиётга жорий этиш технологияларини ишлаб чиқишга доир таклифлари 02В. “Техника йўналиши таълим олувчилари учун замонавий компьютер дастурлари ва педагогик ўқитиш усулларини такомиллаштириш” (2016-2018 йй.) иши, Жиззах политехника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-049 рақамли “Талабаларда ассертив хулқни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари” (2017-2019 йй.) лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги-нинг 2019 йил 28 декабрдаги 89-03-5214 сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашга хизмат қилади.

Ахборотлаштирилган таълим муҳиtida бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашга оид ишлаб чиқилган “Интерфаол мулоқотлар майдони” технологияси ва уни амалиётга жорий этишнинг босқичлари асосида “Педагогик технология ва педагогик маҳорат” ҳамда “Эксперт тизимлари” фанлари бўйича дастурлаштирилган кўмакчи компьютерли тизим амалиётга тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 декабрдаги 89-03-5214 сонли маълумотномаси). Мазкур компьютерли тизимни амалиётга тадбиқ этиш орқали бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифати ва самарадорлигини оширилишига имкон яратилган.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини ахборотлаштирилган таълим муҳиtida инновацион фаолиятга тайёрлашга имкон берувчи “Ахборотлаштирилган таълим муҳиtida бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш” номли монография ва “Интерфаол мулоқотлар майдони” технологияси, “Интерфаол ўқув мажмуа” ва улардан амалиётда фойдаланиш учун эрганомик тизим ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 декабрдаги 89-03-5214 сонли маълумотномаси). Мазкур натижаларни жорий этилиши техника олий ўқув юртларидаги ахборот ресурслари ва ҳисоблаш марказларидан самарали фойдаланиш орқали бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 1 та монография, 3 та электрон ўқув қўлланма дастури, жами 4 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, 4 таси Республикада 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Тадқиқот ишининг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши кириш, 3 боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация матни 156 саҳифадан иборат бўлиб, унда 10 та расм ва 12 та жадваллар бор.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ва ишончлилиги очиқ берилган, уларни амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ахборотлаштирилган таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг илмий-назарий асослари”** деб номланиб, унда бўлажак касб таълими ўқитувчилари (БКТЎ) ни инновацион фаолиятга тайёрлашда ахборотлаштирилган таълим муҳити (АТМ) нинг ўрни ва ундан амалиётда фойдаланишнинг “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган, ҳамда АТМда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш йўллари аниқланган шунингдек, БКТЎ инновацион фаолиятга тайёрлашнинг ташкилий-тузилмавий модели ва улар асосида таълим самарадорлигини ошириш йўллари илмий-методик жиҳатдан асосланган. Маълумки, ахборотлаштириш ахборот жараёнларини ривожлантириш восита ва шароитларининг яхлит бир тизимли мажмуидан иборат бўлиб, у жараёнга тегишли техник-ташкилий ахборот ресурсли базалар, ташкилий-иқтисодий, маданий, маърифий каби таркибий қисмларни ўзаро боғлиқ равишда фаолият юритишларини ўз ичига олади ва таълимни технологиялаштиришга кенг имконият яратади. Шу сабабли ҳам ахборотлаштириш муаммосини ўрганиш ва ундан амалиётда кенг фойдаланиш учун ушбу соҳада тизимли тадқиқотлар олиб боришга тўғри келади. Ушбу соҳада олиб борилган тадқиқотларимиз ва кузатишларимиз натижаларининг кўрсатишича, олиб бориладиган тизимли тадқиқотни қуйидаги кетма-кетликда олиб борган маъқул: Маълумот→ маълумотлар омбори→маълумотлар базаси → ахборотлар → жараёнларни ахборотлаштириш→ахборотлар банки → билимлар банки → ахборотлаштирилган жамият (муассаса, фаолият) ва шу кабилар.

Қайд этилган кетма-кетликдан амалиётда кенг фойдаланиш учун куйидаги таркибий қисмларга кучли эътибор қаратишга тўғри келади: ахборот манбаи; маълумотлар омбори; маълумотлар базаси; ахборотлар; ахборот ресурслари; ахборот тармоқлари; ахборот воситалари; ахборот технологиялари; ахборот технологиялари таъминотлари; ахборот-коммуникацион технологиялари; ахборот тизимлари; ахборотларни факсимиль узатиш; ахборотли таълим муҳити.

Бундан АТМ ўз таркибига ташкилий-тузулмавий, маданий-маърифий, интеллектуал, дастурий-дидактик, дастурий-методик, техник-технологик таъминотларни жамлаб олар экан ва унинг ўзи очиқ тизимдан иборат бўлади. Шулардан келиб чиққан ҳолда ахборотлаштирилган таълим муҳитининг асосий мақсадини замонавий ахборот ва телекоммуникацион технология-лардан ҳусусан, ахборотли таълим муҳитларидан фойдаланган ҳолда улардан кенг қўламдаги мутахассисликларни эгаллаши бўйича билим олишга бўлган талабларини қондиришдан иборат, деб белгилаб олиш мумкинлиги келиб чиқади.

Ушбу мақсадни оғишмай амалга ошириш учун мазкур йўналишдаги фаолиятни олиб боришга оид жиҳатлар, талаблар, шарт-шароитлар асосидаги унинг функционал вазифаларни белгилаб олиш ҳамда уларнинг инновацион фаолиятни ташкил этишдаги ўринлари бўйича илмий-методик жиҳатдан асослаб олдик.

Бу қайд этилганларни АТМда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашдаги инновацион таълимни амалга оширишга кенг имкониятлар яратади. Шу сабабли ҳам БКТЎни АТМда инновацион фаолиятга тайёрлаш муаммоси билан шуғулланишни асосий мақсад қилиб олдик. Бунинг учун қаралаётган муаммони ҳал қилишнинг “Йўл харитаси” ишлаб чиқдик. Бу БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг оптимал вариантини қўлга киритишга кўмаклашувчи дидактик асос бўла олди.

АТМда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлаш ҳолатини таҳлилий ўрганиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, АТМда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашга оид илмий-методик таъминотларни яратиш бўйича қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган ва улар хусусий характерларга эга, яъни улар ичида олий таълимга тегишли айнан бир муаммонинг оптимал ечимини ҳал қилишга бағишланган мукамал ва фундаментал диссертацион тадқиқот иши учрамади.

Улар асосида ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар бор, деган ҳулосага келдик. Улар куйидагилардан иборат: бўлажак мутахассисларнинг касбий фаолиятга тайёрлаш учун энг аввало, инновацион жараён, инновацион фаолият ва инновацион фаолиятни ташкил этишни моделини яратиш; АТМда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришнинг методологик асосларини ишлаб чиқиш; АТМда БКТЎнинг инновацион фаолиятга тайёргарлигини аниқлаш ва баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш; АТМда БКТЎнинг инновацион фаолиятга тайёрлашни янада такомиллаштиришга оид услубий тавсиялар тизимини шакллантириш ва шу кабилар.

Ушбу соҳада олиб борган изланишларимизда доимо юқорида қайд этилган муаммолар диққат марказимизда бўлди ва уларга асосланиб АТМда БКТЎнинг инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш йўллари илмий-методик жиҳатдан асослаб олдик.

Олиб борилган тадқиқотларимизга ва юқорида қайд этилган АТМда БКТЎнинг инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш йўллари асосланиб қайд этиш мумкинки, булар асосида АТМда БКТЎнинг инновацион фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришнинг оптимал вариантларидан бирини қўлга киритиш мумкин.

Ушбу соҳада олиб борган изланишларимиз БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг ташкилий-тузилмавий моделини 1-расмдагидек қилиб ифодалаш имконини берди ва бу модел АТМда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашдаги таълим мазмунини шакллантиришга ҳамда уларни амалиётга жорий этишнинг инновацион методикаси ва технологиясини ишлаб чиқишга кенг имкониятлар яратди (ишончли дидактик асос бўлди).


АТМда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг ташкилий-тузилмавий моделидаги компонентлар (элементлар ва қисм тизимлар) ва уларнинг функционал вазифаларига қаралаётган жараённинг самарадорлигини ошириш талаби ҳам қўйилади. Шу сабабли ҳам мазкур тадқиқот ва уларни амалиётга жорий этиш истиқболли педагогик самараларни беради, деб айта оламиз.

Демак, АТМда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашда 1-расмда кўрсатилгандек ташкилий-тузилмавий моделни ишлаб чиқиш, АТМда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш йўналишлари ва шу кабилар бўлажак мутахассисларни инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш учун ишлаб чиқилган режани амалга оширишни кафолатлар экан.

Эришиладиган бундай натижалар АТМда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш олади ва шу асосда тайёрланадиган бўлажак ўқитувчи инновацион ривожланган бўлади. Бундай дейишимизга сабаб режалаштирилган илмий ишланмалар ёрдамида БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг оптимал вариантларидан бирини ишлаб чиқишга бўлган тўлиқ имкониятларни таъминлай олади.

Олиб борилган тадқиқотимиз ва шахсий кузатишларимиз натижаларига асосланиб АТМда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашдаги таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш йўллари 7 та йўналишдан иборат қилиб илмий-методик жиҳатдан асослаб олдик.

Тадқиқотимизнинг ушбу қисмида таъкидлаш мумкинки, БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг ташкилий-тузилмавий модели ёрдамида бўлажак ўқитувчилар қаралаётган соҳа бўйича ишончли ва сифатли ўқув-дидактик ҳамда интеллектуал-касбий маълумотлар билан таъминланади, яъни уларни касбий фаолиятга тайёрлашдаги самарадорлиги ошади.



1-расм. АТМда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг ташкилий-тузилмавий модели

АТМда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг ташкилий-тузилмавий моделидан бўлажак мутахассисларни инновацион касбий фаолиятга тайёрлашдаги муҳим ва мукаммал ишланмаларни қилишда бемалол фойдаланиш мумкин ва улар орқали қаралаётган муаммонинг ечилишини оптималлаштиришга эришилади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ахборотлаштирилган таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолият-га тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш”** деб номланиб, унда АТМда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашдаги таълим мазмуни, методикаси ва фойдаланиладиган воситалар мажмуаси илмий-методик жиҳатдан асосланган, АТМда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашга “Интерфаол мулоқотлар майдони” технологияси ва уни амалиётга жорий этишнинг босқичлари ишлаб чиқилган ҳамда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлаш технологияларини такомиллаштиришга оид интерфаол ўқув мажмуалари ва эрганомиқ тизимлар ишлаб чиқилган, шунингдек, улардан муайян фанларни ўрганишда фойдаланиш методикаси ёритилган.

Тадқиқот ишининг ушбу қисмида дастлаб АТМда БКТЎни, инновацион фаолиятга тайёрлашдаги таълим мазмуни ва уни амалиётга жорий этиш методикаси ҳамда уларда фойдаланадиган воситалар мажмуасини илмий-методик жиҳатдан асослаб олишга киришдик ва уни қуйидаги кетма-кетликда тайёрладик: янгиланган таълим мазмуни таркиб топтириш; янгиланган таълим мазмуни ва ундан амалий фаолиятда фойдаланишдаги кутилаётган натижаларни лойиҳалаштириш; янгиланган таълим мазмунидан БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашда фойдаланиш; тайёрланган таълим мазмунининг АТМда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашдаги ўрни ва роли; тайёрланган таълим мазмунига мос ҳолдаги инновацион методикани ишлаб чиқиш зарурлигини асослаш; АТМда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашда фойдаланиладиган воситалар мажмуасини тайёрлаш ва шу кабилар.


Булардан мазкур тадқиқот иши бўйича тайёрланадиган инновацион методикани ишлаб чиқишда ва АТМда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш муаммолари ечимини ҳал қилишда самарали фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотимиз ушбу қисмида АТМда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлаш методикасини ишлаб чиқишга киришдик ва уни қуйидаги кетма-кетликда олиб бордик.

-АТМда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлаш учун “Интерфаол мулоқотлар майдони” технологиясини ишлаб чиқиш;

-“Интерфаол мулоқотлар майдони”ни амалиётга жорий этишнинг босқичларини ишлаб чиқиш;

-“Интерфаол мулоқотлар майдони”ни амалиётга жорий этишнинг босқичларидан фан (мавзу)ни ўрганишнинг технологик харитасини ишлаб чиқиш.



2-расм. “Интерфаол мулоқотлар майдони” ни шакллантиришнинг ташкилий-тузилмавий модели

Энди улар тўғрисида қисқача маълумот берамиз.

Тадқиқотимизга қўйилган мақсад АТМда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашга оид бўлганлиги сабабли биз асосан инновацион фаолиятга мос ҳолдаги интерфоллаштириш муаммосини ҳал қилишга ҳаракат қилдик ва олиб борилган изланишларимиз натижаларига асосланиб “Интерфаол мулоқотлар майдони” номли технологияларни шакллантиришга эришдик (2-расм).

Бунга сабаб уларсиз таълимни инновациялаштиришни самарали амалга ошириб бўлмайди, чунки уларга тегишли инновацион ғоялар ва унга мос дастурлар замонавий илм-фан ҳамда техника-технологияларни энг сўнгги ютуқлари билан характерланмоқда. Шу сабабли “Интерфаол мулоқотлар майдони” технологиясини амалга жорий этишнинг босқичларини ишлаб чиқишда дастлаб унга мос маълумотлар базасини шакллантириб олишга киришдик.

Тайёрланган маълумотлар базаси ва шу соҳада олиб борган изланишларимиз натижалари БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг “Интерфаол мулоқотлар майдони” технологиясини амалиётга жорий этиш босқичлари бўйича 3-расмдагидек ифодалаш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди.


“Интерфаол мулоқотлар майдони” технологиясининг ташкил этувчи босқичларини беш босқичдан иборат қилиб лойиҳалаштириб олдик.

Бу АТМда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашдаги ихтисослик фанларини ўқитиш методикасининг асосий таркибий қисмларидан бирини ташкил этади ва ишлаб чиқилган босқичларининг ўзи ҳам технологик жараёндан иборат. Шунинг билан барга тадқиқотимизнинг бундан олдинги қисмидаги “Интерфаол мулоқотлар майдони” ни ташкил этиш ҳам технологик жараёндан иборат. Бундан кўринадики, ишлаб чиқиш режалаштирилаётган методика ҳам технологик жараёнлар негизида амалга оширилади. Бу тадқиқотимизни сифатли қилиб амалга ошириш учун технологик ёндашув керак, деган талабни олдимизга қўяди.

Бунга сабаб технология негизида жараёнлар кечишини амалга ошириш усуллари ва воситалари ҳақида билимлар йиғиндиси таркиб топади, шунингдек, БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашда содир бўладиган сифат ўзгаришларининг механизмлари англанади.

Буларга асос қилиб олган ҳолда “Интерфаол мулоқотлар майдони” технологиясининг ташкил этувчи босқичларидан фойдаланиб мавзунини ўрганишнинг технологик харитасини ишлаб чиқдик.


Бу келтирилган технологик харитадан англаш мумкинки, таълим олувчи ва таълим берувчи ўртасидаги интерфаол мулоқотни вариант ҳолатда амалга ошириш мумкин бўлади. Бу таълим олувчиларга мазкур тизим орқали бемалол мустақил таълим олишига ва ўз билимини поғонама-поғона амалга ошириб боришга эришиш мумкин, деган ҳулосавий фикрдир. Булар марказий АТМ ва барча ҳудудий АТМ учун баб-баравар тегишли.



3-расм. “Интерфаол мулоқотлар майдони” технологиясининг ташкил этувчи босқичлари

Юқорида қайд этилган “Интерфаол мулоқотлар майдони” технологияси ва ундан амалиётда фойдаланишнинг ташкил этувчи босқичларидан фойдаланиб “Информатика ва ахборот технологиялари” йўналишидаги бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашдаги “Ихтисослик фанлари блоки”га кирувчи фанлар (Эксперт тизимлари) ни ўқитишда синаб кўрилди ва бунда ижобий педагогик самараларга эришилди. Таклиф этилган БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашда “Интерфаол мулоқотлар майдони” дан фойдаланиш инновацион таълимни таъминлайди ва дарс сифати ҳамда самарадорлигини оширишни кафолатлайди.

Шу сабабли ундан бошқа йўналишдаги ўқитувчиларни ҳам инновацион ва интеллектуаллаштирилган фаолиятга тайёрлашда бемалол фойдаланиш мумкин.



4-расм. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашга ишлаб чиқилган эргономик тизимнинг умумий кўриниши

Бунга сабаб таклиф этилаётган технология универсал характерга эга бўлиб у режалаштирилган натижага эришишни кафолатлайди.

Шунингдек, ушбу бобда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлаш технологияларини такомиллаштиришга интерфаол ўқув мажмуаларини тайёрлаш масалалари ҳам тадқиқ этилди.

Булар бизга БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашга эргономик тизимларни шакллантириш ва улардан амалиётда кенг фойдаланиш ушбу соҳадаги фаолиятимизни оптималлаштиришни кафолатлайди, деган хулосани келтириб чиқарди.

Шу сабабли ҳам биз ушбу муаммо ечимини ҳал қилишга оид эргономик тизимни ишлаб чиқдик 4-расмда қайд этилган эргономик тизим БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлаш бошқарув тизими ишлаши жараёни ва унинг қисм-tizимлари (элементлари билан ҳам) билан алоқадорлигини, шунингдек, қисм-tizимларининг ўқитувчи (бошқарувчи) ва таълим олувчиларнинг ўзаро узвий боғлиқ равишда ишлаши лозим эканлигини кўрсатмоқда. Бу эса ўқитувчи (тадқиқотчи) ва таълим олувчиларнинг тадқиқот объекти билан (таълим олувчиларнинг ўқув-билув фаолияти билан) ва бошқа унга тегишли қисм-tizимлар ҳамда қисм элементлари (Бош АТМ ва ҳудудий АТМларнинг тизимий ресурслари) билан мунтазам алоқада бўлиб туришини талаб этади.

Шунинг билан бирга қаралаётган эргономик тизим БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашдаги функцияларни бажаришда ҳам ишончли кўмакчи бўла олади.

Демак, юқорида қайд этилган эргономик тизим БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашдаги интерфаол ўқув мажмуалари ва уни амалга ошириш босқичларининг инсон билан боғлиқлигини кўрсатмоқда. Бу эса ўқитувчи (тадқиқотчи) нинг инновацион-интегратив таълим жараёни билан ва бошқа унга тегишли бўлган муҳит (Бош АТМ ва ҳудудий АТМларнинг тизимий ресурслари) билан мунтазам алоқада бўлишини талаб этади.

Тадқиқот ишининг ушбу қисмида хулоса ўрнида таъкидлаш мкинки, “Интерфаол мулоқотлар майдони” номли технология ва уни амалиётга жорий этишнинг ташкил этувчи босқичларидан АТМда БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришнинг инновацион методикасини ишлаб чиқишга дидактик асос бўлди ва улардан самарали фойдаланишга оид интерфаол ўқув мажмуаларини ҳамда эргономик тизимларни ишлаб чиқишга кенг имкониятлар яратди. Улардан БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришда (ихтисослик фанлари блокадаги фанларни ўқитишда) фойдаланиш инновацион таълимни таъминлади ва дарс сифати ҳамда самарадорликни юксалтиришни кафолатлади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг инновацион фаолиятга тайёргарлигини аниқлаш бўйича тажриба-синов ишлари”** деб номланган бўлиб, унда БКТЎнинг инновацион фаолиятга тайёргарлигини аниқлаш ва баҳолаш тизимини шакллантиришга оид илмий-амалий ишланмалар, ҳамда педагогик тажриба-синов ишлари (ТСИ) ни ташкил этиш методикаси ва уларни амалга ошириш натижалари таҳлилига оид материаллар, шунингдек, БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашни

такомиллаштиришга оид услубий тавсиялар ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Ушбу соҳада олиб борган тадқиқотимиз БКТЎнинг инновацион фаолиятга бўлган тайёргарлигини қатъий алгоритмик тарзда, изчил, конструктив тарзда (ташкилий-тузилмавий модель), динамик равишда, инновацион методика ва технологиялар негизида, ўқув-дастурий-дидактик асосларга кўра, ташкилий-дастурий таъминотлар ва шу кабилар асосида олиб бориш лозимлигини талаб этди. Бу қатъий талабнинг аҳамиятли томони шундаки, қайд этилган талабларнинг оғишмай амалга оширилиши натижасида АТМда БКТЎсининг инновацион фаолиятга тайёргарлигини даражалаш ҳамда уларни аниқлаш ва баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш мумкин бўлди.

